БОЗОР, ПУЛ ВА КРЕДИТ
РЫНОК, ДЕНЬГИ И КРЕДИТ

11-12 / 2023

БПК

ОЙЛИК ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ИҚТИСОДИЙ ЖУРНАЛ
ЕЖЕМЕСЯЧНЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

ISSN 2010-6580

Янги 2024 йил билан!

TRASTBANK
ISHONCH BILAN YUZMA-YUZ

“Trastbank” “MasterCard” bilan birgalikda o‘tkazayotgan “Trastbank” bilan birga bo‘ling va sovg‘aga ega bo‘ling” aksiyasida ishtirok eting va quyidagi qimmatbaho sovrinlarga ega bo‘ling:



“Chevrolet Tracker” avtomobili (1 dona)

“Samsung Galaxy A 23” uyali aloqa telefoni (4 dona)

“Samsung” kir yuvish mashinasi (4 dona)

“Samsung 32 dyuymli” televizori (4 dona)

Aksiyada ishtirok etish uchun “Trastbank”dan “MasterCard” xalqaro to‘lov kartasini oching hamda kamida 10 AQSh dollari miqdorida tranzaksiyalarni amalga oshiring.

Aksiya 2023-yilning 1-noyabridan 2024-yil 29-fevral kuniga qadar o‘tkaziladi.

Batafsil ma’lumot:

1287

trastbank.uz

Xizmatlar litsenziyalangan

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ

Жаҳон тажрибаси

5 ***Ч. Мирзаев*** *Гонконгда бизнес-экотизим ривожи ва стартаплар учун яратилган имкониятлар*

Банк кўмаги

19 *Хусусий тиббиёт муассасалари молиявий қўллаб-қувватланмоқда*

Ривожланиш омиллари

22 ***Н. Хайдаров*** *«Ўзбекистон – 2030» стратегиясида молия, бюджет масалалари самарали ижросини таъминлаш йўллари*

Банклар фаолияти

30 ***Ш. Абдуллаева, С. Абдуллаев, Н. Абдуллаева*** *Банк рискларини қиймат жиҳатдан баҳолашнинг замонавий усули*

Дивиденд сиёсати

38 ***А. Шермухамедов*** *Акциядорлик жамиятларида дивиденд сиёсатини ишлаб чиқиш тамойиллари ва ташкил этилиши*

Налоги

50 ***С. Воронин, Ф. Азимова*** *Формирование оптимальной системы налогообложения – необходимое условие для обеспечения сбалансированности базовых отраслей экономики*

Рынок недвижимости

70 ***И. Бутиков*** *Риэлторская деятельность в Узбекистане*

Божхона тизими

82 ***Ш. Алимухамедов*** *Қўшимча ҳисобланган божхона тўловларини ундириш муаммолари ва уларнинг ечими*

Бухгалтерия ва аудит

90 ***Ж. Абдурасулов*** *Корхоналарни қайта ташкил қилиш жараёнларини тан олиш, баҳолаш ва ҳисобини такомиллаштириш масалалари*

96 ***М. Ахмедов*** *Молиявий инвестицияларни ҳиссали қатнашиш усули бўйича баҳолаш*

Хусусий мулк

102 ***Ш. Мажидов, М. Раҳмонов*** *Хусусий мулкнинг ишончли ҳимояси – иқтисодий тараққиёт гарови*

Нашрлар хронологияси / Хронология публикаций

108 *2023 йил мобайнида «Бозор, пул ва кредит» журналида эълон қилинган мақолалар рўйхати*

БПК

БОЗОР, ПУЛ ВА КРЕДИТ

Ойлик илмий-амалий иқтисодий журнал

1996 йил сентябрдан нашр этилмоқда

11-12/2023

Ноябрь-декабрь (318-319)

ТАҲРИРИЯТ

Директор:
Г.Н. БЕЗГИН

Бош муҳаррир:
В.С. УМИРОВ

Масъул котиб:
Ф.Т. ИЗЗАТУЛЛАЕВ

Реклама ва маркетинг хизмати:
Тел.: (+998)71-234-91-13;
(+998)99-837-11-04

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
«БОЗОР, ПУЛ ВА КРЕДИТ» МЧЖ,
Тошкент ш., Ч. Айтматов кўч., 1А-уй.
http://www.bpk.uz/
e-mail: info@bpk.uz

ТАҲРИР КЕНГАШИ:

О.О. Олимжонов, *и.ф.д., Таҳрир кенгаши раиси*
А.Х. Эрдонаев, *и.ф.н., Таҳрир кенгаши раиси ўринбосари*
Р.О. Охунов, *ф.ф.н., Таҳрир кенгаши масъул котиби*
Ш.З. Абдуллаева, *и.ф.д.*
И.Л. Бутиков, *и.ф.д.*
С.А. Воронин, *и.ф.д.*
В.Ю. Галкин, *и.ф.н.*
М.И. Каримжонова, *PhD*
Ф.Р. Равшанов, *PhD*
Ф.Х. Юлдашев
Н.Ҳ. Ҳайдаров, *и.ф.д.*

Журналнинг обуна индекси: 853
ISSN 2010-6580

Журнал ЎзР Матбуот ва ахборот агентлигида 2014 йил 2 июлда рўйхатдан ўтган.
Гувоҳнома рақами: 0058

Теришга берилди: 02.10.2023 й.
Босишга рухсат этилди: 08.12.2023 й.

Бичими: 60x90/8.
Офсет босма усулида чоп этилди.
Шартли босма табоғи: 9.0.
Буюртма №5. А.: 460.
«HELLO BOOK» МЧЖда чоп этилди
(Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорасарой кўчаси, 322Б-уй).

Баҳоси шартнома асосида.

Материаллар кўчириб босилаётганда журналдан олингани кўрсатилиши шарт.
Юборилган қўлёзмаларни тақриз қилиш ва қайтариб юборишни таҳририят ўз зиммасига олмайди.
Журналда В.Л. Заводовнинг муаллифлик фотосуратларидан фойдаланилди.

МУАЛЛИФЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Бозор, пул ва кредит» журналида мақолангизни чоп этмоқчи бўлсангиз, уни фақатгина электрон кўринишда қуйидаги манзилга юборинг: **info@bpk.uz.**

Таҳририят томонидан қабул қилинадиган мақолаларга талаблар билан журналимизнинг www.bpk.uz сайти орқали танишишингиз мумкин.

Эслатма: муаллифлар кўрсатилган электрон манзилга мақола юборишда исми, фамилияси, лавозими, илмий даражаси, иш жойи ва боғланиш телефонларини аниқ кўрсатишлари ва мақоланинг инглиз тилидаги аннотациясини юборишлари шарт.

CONTENTS

November-December №11-12 (318-319), 2023

World experience

5 ***Ch. Mirzaev***
Business Ecosystem Development and Opportunities Created for Startups in Hong Kong

This article examines the extent to which the development of the business ecosystem in Hong Kong contributes to the development of the country, the role of the fintech ecosystem, the opportunities for startups in this country, the characteristics of the Hong Kong experience, the country's role in the global community and its future prospects. The article contains the author's scholarly judgments, ending with conclusions and practical suggestions.

Bank Support

19 *Private Medical Institutions Receive Financial Support*

Familiarization of journalists with the projects launched with the support of JSCB "Uzpromstroybank" continues actively. For this purpose, on November 6, 2023, a press tour was organized to the private clinic "Mediart" in our capital. The press tour was also attended by Farrukh Izzatullaev, Executive Secretary of "Market, Money and Credit" magazine and Photo Correspondent Vladimir Zavodov.

Development Factors

22 ***N. Khaidarov***
Ways to Ensure Effective Implementation of Financial and Budgetary Issues in the "Uzbekistan-2030" Strategy

The article draws conclusions on the realization of goals and objectives related to finance, budget and tax issues in the strategy "Uzbekistan-2030" adopted on the basis of the updated Constitution, as well as provides suggestions and recommendations in accordance with the conclusions.

Banking Activities

30 ***Sh. Abdullaeva, S. Abdullaev, N. Abdullaeva***
Modern Method of Assessment of Bank Risks

The article is devoted to the issues of improving the mechanism for assessing and managing bank risks using the foreign VaR (Value at risk) methodology in the activities of commercial banks.

Dividend Policy

38 ***A. Shermukhamedov***
Principles and Organization of Dividend Policy in Joint-stock Companies

The purpose of the dividend policy is to determine the optimal ratio between the consumed and capitalized parts of the profit, which ensures the future strategic development of the joint-stock company, maximizes its market value and consists of shares that determine specific measures aimed at increasing the market value.

Taxes

50 ***S. Voronin, F. Azimova***
Formation of an Optimal Taxation System is a Prerequisite for Balancing the Basic Sectors of the Economy

The article deals with topical issues of taxation of legal entities. The accounting of the basic provisions of the scientific school in carrying out a cardinal reform of taxation in Uzbekistan in the period 2019-2020 is assessed. Recommendations on improving the classification of tax payments in the conditions of increasing challenges and threats are substantiated. Proposals on ensuring the balance of the national economy and increasing the level of consistency of price and tax policy of the state are given.

Real Estate Market

70 ***I. Butikov***
Real Estate Activity in Uzbekistan

The article gives a background to the development of real estate activity in Uzbekistan over the last decade, characterizes the current situation in the market of real estate services, outlines the problems currently faced by real estate organizations and consumers of their services, formulates proposals for solving the problems.

Customs System

82 ***Sh. Alimukhamedov***
Problems of Levying Additional Estimated Customs Duties and their Solution

The urgent task of the customs authorities is to fulfill the indicators of the long-term plan for customs duties, while timely and complete collection of additionally accrued customs duties is of great importance. As a result of checking the activities of subjects of foreign economic activity for more than one year, income associated with additional accrued customs duties may not be used for collection, which may cause damage to the state budget.

Accounting and Audit

90 ***J. Abdurasulov***
Audit of the processes of reorganization of enterprises: essence, forms, procedure for conducting

The essence, features, forms and procedures of enterprises reorganization, which are considered as the main subjects of the economy of the Republic, is revealed in the article. The article outlines the general requirements for maintaining accounting and the formation of financial statements in the conditions of reorganization of enterprises as well.

96 ***M. Akhmedov***
Valuation of Financial Investments by the Contribution Method

This article highlights the types of financial investments and their essence, the content of information about participation in other organizations disclosed in accordance with international standards, as well as the issues of valuation of investments based on the equity method.

Private Property

102 ***Sh. Majidov, M. Rakhmonov***
Reliable Protection of Private Property is the Key to Economic Development

The article highlights the reliable protection of owners ' rights, the implementation of a norm of fundamental importance, which determines the main aspect of the economic system in our Constitution adopted by the referendum of the Republic of Uzbekistan on April 30, 2023, as one of the priorities of reforms carried out in our country.

Chronology of Publications

108 *List of articles published in the magazine "Money, Market and Credit" in 2023*

чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4611-сонли қарорида [12] корхоналарни босқичма-босқич молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларга ўтказиш, улар асосида ҳисоб ва ҳисоботларни юритишга қаратилган манзилли чора-тадбирлар ва аниқ вазифалар белгиланган. Ушбу чора-тадбирлар ва устувор вазифалар корхоналарни қайта ташкил этиш, ушбу жараёнларни бошидан ўтказаётган корхоналарда молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида шакллантиришга ҳам бевосита дахлдордир.

Мазкур мақолада, юқорида келтириб ўтилган илмий изланишларга асосланиб, республикамиз корхоналарини қайта ташкил қилиш шаклларининг моҳияти, хусусиятлари ва уларни амалга ошириш тартиблари, корхоналарни қайта ташкил этиш шароитида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни шакллантиришга қўйиладиган умумий талаблар масалаларига доир тадқиқотлар натижалари келтирилган. Бозор иқтисодиёти қонуниятларини ифодаловчи талаб ва таклиф, рақобатчилик, фойда олиш, фаолиятни ва ресурсларни бирлаштириш, инвестицияларни жалб этиш ва киритиш орқали юқори самарадорликка эришиш, шу асосда маблағлар етишмовчилигининг олдини олиш, бошқарувнинг корпоратив ва бошқа замонавий усулларини қўллаш зарурати борган сари кучайиб бориши корхоналарни турли ташкилий-ҳуқуқий шаклларда қайта ташкил қилишдек муҳим долзарб масалаларни ҳал қилишни давлатлар олдига, шу жумладан мамлакатимиз олдига ҳам кўндаланг қўймоқда. Корхоналарни қайта ташкил қилишнинг бир-биридан фарқ қилувчи ташкилий-ҳуқуқий шакллари бошқарувнинг муҳим воситаси бўлган бухгалтерия ҳисоби олдига ушбу муҳим жараёнлар тўғрисида фойдаланувчиларга, чунончи хорижий инвесторларга атрофлича ахборотларни бериш вазифасини қўймоқда. Мазкур масалалар бўйича амалиётда корхоналарни турли ташкилий-ҳуқуқий шаклларда қайта ташкил қилиш, ушбу шароитда ҳисоб ва ҳисоботни халқаро стандартлар асосида юритиш тартиб-қоидаларига амал қилишга зарурат мавжудлиги уларга оид чуқур тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

КОРХОНАЛАРНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ВА ҲИСОБОТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЎЗИГА ХОС МЕЗОНЛАРГА, ТАРТИБЛАР ВА ТАЛАБЛАРГА АМАЛ ҚИЛИШНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ.

Корхоналарни қайта ташкил қилиш шароитида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботни шакллантириш ўзига хос мезонларга, тартиблар ва талабларга амал қилишни тақозо этади. Бундай мезонлар, тартиб ва талаблар халқаро миқиёсда «Бизнес бирлашувлари» номли 3-сон МҲХС (IFRS) [4] ва «Консолидацияланган молиявий ҳисобот» номли 10-сон МҲХС (IFRS) [5] да, республикамизда эса «Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш» номли 23-сон БҲМСда [6] ва «Консолидацияланган молиявий ҳисоботлар ва шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар» номли 8-сонли БҲМСда [6] белгиланган. Шунингдек, 3-сон МҲХС (IFRS) ва 23-сон БҲМСда бизнес бирлашувлари юз берган вақтда ва бу жараёнлар юз бергандан кейинги даврларда қайта ташкил этиш жараёнлари иштирокчилари ҳисобни юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузиш ҳамда консолидациялашда амалдаги барча бошқа стандартларга ҳам амал қилишлари лозимлиги эътироф этилган.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мақолада абстракт-мантиқий фикрлаш, қиёсий таҳлил, тизимли ёндашув, маълумотларни гуруҳлаш усулларидан фойдаланилди.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР


«Бозор, пул ва кредит» журналининг 2022 йилнинг 6-сонида «Корхоналарни қайта ташкил этишда молиявий ҳисоботларни аудиторлик текширувидан ўтказиш» номли мақоладаги тадқиқотларимиз кўрсатишича, ёзилган ушбу биринчи мақолада, аввалambor, корхоналарни қайта ташкил қилишнинг атама сифатида-



Жамшидбек Абдурасулов,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таянч докторанти

1-чизма

Амалда бўлган А, Б, В корхоналар фаолияти буткул тугатилиб, улар ўрнига янги Г корхонаси пайдо бўлади




Манба: *тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.*

ги моҳиятига, қайта ташкил этишнинг алоҳида шакллари ҳамда уларни амалга ошириш тартибларига, шунингдек ушбу шароитда ҳисобни юритиш ва ҳисоботларни шакллантиришнинг умумий талабларига қисқача тўхталиб ўтишни жоиз деб топдик.

Номлари юқорида зикр этилган қонунлар ва қонуности ҳужжатларига мувофиқ корхоналарни қайта ташкил этиш деганда уларни муассислар (иштирокчилар) ёки таъсис ҳужжатларида шунга вакил қилинган юридик шахс органининг қарорига мувофиқ

2-чизма

Амалда бўлган А, Б, В корхоналардан Б, В корхоналар фаолияти буткул тугатилиб, улар ўрнига яхлит А корхонаси пайдо бўлади



Манба: *тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.*

қуйидаги шаклларда қайтадан шакллантириш тушунилади:

а) қўшиб юбориш;
б) қўшиб олиш;
в) бўлиш;
г) ажратиб чиқариш;
д) ўзгартириш.

Қўшиб юбориш – бу ўз фаолиятини тугатган икки ёки бир нечта корхонанинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятларини унга бериш йўли билан янги корхонани вужудга келтиришдир. Қайта ташкил этишнинг ушбу шакли кўргазмали тарзда 1-чизмада ифодаланган.

Қўшиб олишнинг ушбу шаклида, кўриниб турибдики, бир томондан, тугатилаётган корхоналарда, иккинчи томондан эса янги ташкил қилинаётган корхонада кўплаб жараёнларни ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш лозим бўлади. Чунончи, барча тугатилаётган корхоналарда тугатиш жараёнлари ҳисобда акс эттирилиши ва тугатиш баланси тузилиши лозим. Корхоналарни қўшиб юбориш шаклида вужудга келган янги корхонада унинг давлат рўйхатидан ўтган кунига таъсис ҳужжатлари (устав, таъсис шартномаси) ҳамда қўшиб обориш тўғрисидаги қарорлар ва шартномалар асосида дастлабки таъсис баланси тузилиши, шунингдек, ушбу баланс моддаларини ташкил қилувчи барча узоқ ва қисқа муддатли активлар, устав капитали, маблағларни ташкил топтириш ўз манбаларининг бошқа турлари (қўшилган ва захира капитали, тақсимланмаган фойдаси ва бошқалар), узоқ ва қисқа муддатли мажбуриятларни тан олиш, баҳолаш, кирим қилиш ва ҳисобга олиш ишлари белгиланган тартиб-қоидалар

асосида бажарилиши талаб этилади.

Қўшиб олиш – бу бир ёки бир нечта корхона фаолиятини тўхтатиб, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бошқа корхонага беришдир. Қайта ташкил этишнинг ушбу шакли кўргазмали тарзда 2-чизмада ифодаланган.


Қайта ташкил этишнинг ушбу шаклида корхоналарни қўшиб олиш, одатда, ихтиёрий равишда ва харид усулида амалга оширилиши мумкин. Ушбу шаклда ҳам қайта ташкил этиш иштирокчиларида тегишли жараёнлар ҳисоб ва ҳисоботда акс эттирилиши лозим. Чунончи, қўшиб юборилаётган корхоналарда тугатиш жараёнлари ҳисобини юритиш ва тугатиш балансларини тузиш зарур бўлиб ҳисобланади. Қўшиб олувчи корхонада тугатилаётган корхоналарни ихтиёрий равишда ёки харид усулларида қўшиб олиш жараёнларини ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш зарурати пайдо бўлади.

Бўлиш – бу корхона фаолиятини тўхтатиб, унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини янги тузилаётган корхоналарга беришдир. Қайта ташкил этишнинг ушбу шакли кўргазмали тарзда 3-чизмада ифодаланган.

Қайта ташкил этишнинг ушбу шаклида дастлаб тугатилаётган корхонада уни тугатиш жараёнини ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш лозим бўлади. Шундан сўнг ваколатли орган ёки мулкдорлар қарорлари асосида белгиланган тартибга кўра тугатилган корхонанинг тақсимлаш балансини тузиш, яни барча узоқ ва қисқа муддатли активлар, устав капитали, маблағларни шакллантириш ўз манбаларининг бошқа турлари (қўшилган ва захира капитали, тақсимланмаган фойда ва бошқалар), узоқ ва қисқа муддатли мажбуриятларни янги ташкил қилинган корхоналар ўртасида бўлиш ҳисоб-китоблари талаб қилинади. Айнан ушбу ҳисоб-китоблар янги корхоналарда уларга тегишли бўлган мулк ва мулкнинг ташкил топиш манбаларини уларнинг дастлабки балансига киритиш ва уларни мос равишда ҳисобга олиш учун асос бўлади.

3-чизма

Амалда бўлган *А* корхона фаолияти буткул тугатилиб, унинг ўрнига мустақил бўлган *Б, В, Г* корхоналари пайдо бўлади




Манба: *тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.*

Ажратиб чиқариш – бу корхоналарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бир қисмини унга

4-чизма


Амалда бўлган А корхона таркибидан янги Б корхона ажратилади, натижада иккита мустақил А ва Б корхоналари пайдо бўлади



Манба: *тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.*

5-чизма

(1) амалда бўлган акциядорлик жамияти *(АЖ)* масъулияти чекланган жамият *(МЧЖ)* ёки хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона *(ХИИК)* ёхуд қўшма корхона *(ҚК)*га ўзгартирилади; (2) амалдаги хусусий корхона (ХК) қарорга кўра ёки *МЧЖ* ёхуд *ХИИК* ёинки *ҚК*га ўзгартирилади; (3) амалдаги *МЧЖ* қарорга кўра *ХИИК* ёки *ҚК* ёхуд *ХК*га ўзгартирилади



Манба: *тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.*

бериш йўли билан янги корхонани вужудга келтиришдир. Қайта ташкил этишнинг ушбу шакли кўргазмали тарзда 4-чизмада ифодаланган.

Қўшиб олишнинг ушбу шаклида, кўриниб турибдики, амалдаги корхона фаолияти тугатилмайди ва тўхтатилмайди. Фақатгина ваколатли орган ёки мулкдорлар қарорига асосан унинг таркибидан янги мустақил корхонани ажратиш ва унга тегишли мол-мулкни, мажбуриятларни ва хусусий капиталнинг бир қисмини бериш амалга оширилади. Демак, ушбу шароитда ҳам ажратилаётган корхонада, ҳам ажратилган корхонада активлар, мажбуриятлар ва хусусий капитал элементларини ҳисобга киритиш ва ҳисоботда акс эттириш зарурати вужудга келади.

Ўзгартириш – бу янги вужудга келган юридик шахсга қайта ташкил этилган юридик шахснинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бериш йўли билан корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартиришдир. Ушбу шаклда корхоналар сони кўпаймайди ёки камаймайди, фақатгина корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгаради. Мисол учун, акциядорлик жамияти масъулияти чекланган жамиятга айлантирилади, хусусий корхона масъулияти чекланган жамиятга айлантирилади ёки масъулияти чекланган жамият хусусий корхонага айлантирилади. Қайта ташкил этишнинг ушбу шакли кўргазмали тарзда 5-чизмада ифодаланган.

Юқоридаги таъриф ва тавсифлардан кўриниб турибдики, корхоналарни қайта ташкил этишнинг ҳар бир шакли ўзига хос жиҳатларга эга. Уларнинг ҳар бирини амалга ошириш қатор ҳуқуқий, ташкилий, молиявий ва бошқа тартиб-қоидаларга амал қилишни тақозо этади.

Корхоналарни қайта ташкил қилишнинг юқорида келтирилган ҳар бир шаклида юз берадиган жараёнлар ва улар натижаларини қайта ташкил қилиш иштирокчиларини ҳисоб ва ҳисобот тизимида акс эттиришнинг умумий мезонлари, тартиблари ва талаблари ҳалқаро амалиётда «Бизнес бирлашувлари» номли 3-сон МҲХС (IFRS) ва «Консолидацияланган молиявий ҳисобот» номли 10-сон МҲХС (IFRS)да, республикамизда эса 23-сон БҲМСда ва «Консолидацияланган молиявий ҳисоботлар ва шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар» номли 8-сонли БҲМСда ўз аксини топган. Бинобарин, корхоналарни қайта ташкил қилишни амалга оширишдаги ҳисоб ва ҳисоботга доир тартиб-қоидалар 3-сон МҲХС (IFRS) ва 23-сон БҲМСда, кейинги даврларда қайта ташкил қилинган корхонада консолидацияланган ҳисоботни шакллантириш тартиб-қоидалари эса 10-сон МҲХС (IFRS) ва 8-сонли БҲМСда белгиланган. Демак, ушбу ҳар иккала гуруҳ стандартлари ҳам корхоналарни қайта ташкил қилишга бевосита дахлдордир. Ушбу халқаро ва миллий стандартлар талабларига амал қилиш, макон ва замонда юз бераётган қайта ташкил этиш жараёнларини ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттириш ваколатли органлар, инвесторлар ва мулк эгаларини улар тўғрисида ишончли ахборотлар билан таъминлашнинг асосий гаровидир.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Амалга оширилган тадқиқотлар қуйидаги хулосаларни қилишга ҳамда таклиф ва тавсияларни беришга имконият яратади.

Биринчидан, корхоналарни қайта ташкил этиш – бу давр талаби. Ҳам мулк эгаларига, ҳам давлатга, ҳам меҳнат жамоасига фақат самара келтирадиган корхоналар керак. Самара келтирмайдиган корхоналардан ҳеч кимга наф йўқ. Шу боис, ваколатли давлат органлари орқали, чунончи давлат солиқ органлари орқали нафақат давлат рўйхатидан ўтган, фаолият юритаётган корхоналар, балки самарали ишлаётган, зарар билан ишлаётган, тугатилиш хавфи бўлган ва умуман фаолият юритмаётган корхоналар мониторинги доимий равишда олиб борилиши, бу тўғридаги ахборотлар ОАВ орқали узлуксиз очиқланиши механизмини йўлга қўйиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Ушбу функцияни бажаришни давлат солиқ инспекциялари (ДСИ)нинг махсус мониторинг, таҳлил ва ахборот-консалтинг марказларига юклаш, бизнингча, тўғрироқ бўлади.

Иккинчидан, ДСИ қошидаги номи юқорида зикр этилган марказга корхоналарни қандай шаклларда тузиш, қайта ташкил қилиш, уни қандай амалга ошириш, қайта ташкил қилишдан келадиган самарани ҳисобкитоб қилиш, баҳолаш, у бўйича тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш ва бошқа тадбиркорларни қизиқтирувчи саволлар бўйича атрофлича ахборот-консалтинг хизматларини кўрсатиш вазифаларини юклаш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, ДСИ қошидаги номи юқорида зикр этилган марказга корхоналарни қайта ташкил қилиш шароитида ҳисобни юритиш ва ҳисоботларни шакллантиришни халқаро ва миллий стандартлар талабларидан келиб чиқиб ташкил қилиш бўйича профессионал бухгалтерларни жалб этиш, уларга тадбиркорлик субъектларида тугатиш баланси, тақсимлаш баланси, қўшиш баланси, бирлаштириш баланси, мулкни, мажбуриятлар ва хусусий капитал моддаларини қайта ташкил этиш иштирокчилари ўртасида тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштириш бўйича консалтинг хизматларини бериш ва амалий ёрдам кўрсатиш вазифаларини юклаш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Фикримизча, юқорида билдирилган таклиф ва тавсияларимиз республикамизда амалга оширилаётган халқаро стандартларга трансформациялаш жараёнларини жадаллаштиришга, амалдаги корхоналаримизда хорижий инвесторлар иштирокини кенгайтиришга, шу асосда барча жиҳатлари бўйича бугунги кун талабларига жавоб берувчи хўжалик юритувчи субъектлар пайдо бўлишига кўмаклашади.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар:

1. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя килиш тўғрисида»ги 1996 йил 26 апрелдаги 223-I-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни (Янги таҳрири).
2. «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги 2001 йил 6 декабрдаги 310-II-сонли Ўзбекистон Республикаси қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, 21.12.1995 й.
4. 3-сон МҲХС (IFRS) «Бизнес бирлашувлари».
5. 10-сон МҲХС «Консолидацияланган молиявий ҳисобот».
6. 23-сон БҲМС «Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш».
7. 8-сон БҲМС «Консолидацияланган молиявий ҳисоботлар ва шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар».
8. Плотников В.С., Плотникова О.В. Объединение бизнеса и консолидированная финансовая отчетность. Учебное пособие. – М.: Издательство: ИНФРА-М, 2018.
9. Tashnazarov S.N. Moliyaviy hisobotning nazariy va metodologik asoslarini takomillashtirish. Monografiya. – Publisher SIA OmniScriptum Publishing. GlobeEdit Publishing house, 2018. – 280 p. // ISBN-13:978-613-8-24050-1 // 87-107-betlar.
10. Ташназаров С.Н. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Дарслик. – Т.: «Иқтисод-Молия», 2019.
11. Уразов К.Б. Бухгалтерия молиявий ҳисоби. Ўқув қўлланма. – Самарқанд, СамИСИ, 2013. – 226 бет.
12. «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сонли қарори.